



## O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI OLİY TA'LİM, FAN VA İNNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O'ZBEK TİLİ VA ADABIYOTI UNIVERSİTETİ**

**O'zbek shevashunosligi markazi**

**"O'ZBEK FOLKLORI VA SHEVALARI TADQIQOTLARI:  
AMALIYOT, METODOLOGIYA, YANGICHA YONDASHUV"  
mavzusidagi  
xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari**

2024-yil 25-may

**Toshkent – 2024**

**“O‘zbek folklori va shevalari tadqiqotlari: amaliyot, metodologiya, yangicha yondashuv” mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari /  
Mas’ul muharrir: Sh.Sirojiddinov. – Toshkent: 2024. 619 bet.**

**Mas’ul muharrir:**

**Shuhrat Sirojiddinov**

*filologiya fanlari doktori, akademik*

**Tahrir hay’ati:**

**Jamoldinova O.R.**, pedagogika fanlari doktori, professor;

**Normamatov S.M.**, filologiya fanlari doktori (DSc), professor;

**Abdushukurov B.B.**, filologiya fanlari doktori, professor;

**Ashirboyev S.**, filologiya fanlari doktori, professor;

**Jo‘raqo‘ziyev N.I.**, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

**Tilavov A.X.**, filologiya fanlari nomzodi, dotsent;

**Xidraliyeva Z.R.**, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b.;

**Aliqulova H.Q.**, katta o‘qituvchi;

**Turdialihev A.**, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);

**Qodirov U.A.**, o‘qituvchi.

Ushbu to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O‘zbek tili va adabiyoti universiteti folklorshunoslik va dialektologiya kafedrasi tomonidan “O‘zbek folklori va shevalari tadqiqotlari: maliyot, metodologiya, yangicha yondashuv” mavzusidagi 2024-yil 25-mayda o‘tkazilgan xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallaridan tashkil topgan.

To‘plam materiallaridan filolog mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistratura va bakalavriat talabalari, shuningdek, keng o‘quvchilar ommasi foydalanishlari mumkin.

# ХАЛҚ ҚҮШИҚЛАРИДА “БҮЗ” СҮЗИННИГ МАЬНО КҮЧИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИХАТЛАРИ

## ASPECTS RELATED TO MEANING TRANSFER OF THE WORD “BO‘Z” IN FOLK SONGS

Ярмухаммат Мадалиев,

Мухтор Аvezov номидаги Жанубий Қозогистон  
тадқиқот университети,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,

Алиқулова Ҳулкар Қаҳрамоновна,  
Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти  
университетининг катта ўқитувчиси  
[aliquulovahulkar@gmail.com](mailto:aliquulovahulkar@gmail.com)

**Annotatsiya.** Халқнинг сўз санъати бебаҳо номоддий бойлик бўлиб, оғзаки ва ёзма адабий манбаларни безаб турувчи асосий омилдир. Биргина сўз орқали халқона ифода, миллий ва инсоний дунёқараши, умум ва ўзига хос характер хусусиятлар, чуқур мазмун ва моҳият гавлантирилади. Мақолада айнан бир сўзниг халқ оғзаки ижоди намуналарида акс этган поэтик ифодаси таҳлилга тортилган. “Бўз” сўзи билан боғлиқ маъно күчиши намуналари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** сўз санъати, бадиий ифода, маъно күчиши, миллий гоя, таҳлил, эртак, ёзма манба, бўз тўргай, қўшиқ, бўзламоқ.

**Abstract.** People's verbal art is an invaluable intangible asset, and is the main factor that decorates oral and written literary sources. Folk expression, national and human outlook, general and specific character traits, deep meaning and essence are expressed through one word. The article analyzes the poetic expression of one word reflected in examples of folk art. Patterns of meaning transfer associated with the word "grey" are studied.

**Key words:** word art, artistic expression, transfer of meaning, national idea, analysis, fairy tale, written source, boz torgay, song, bozlamak.

Карвон кўрдим туюлари бўзлаб келар,  
Нортуюда мани ёрим, излаб келар.  
Усмон Азим

Сўз – халқ мулки. Сўзниг қадр-қиммати, мазмун-моҳияти, ифода мақсади миллат ҳаётидан, тарихи ва келажагидан дарак беради. Айникса, халқ оғзаки ижоди намуналарида халқона сўзниг ифодаси, ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Ҳеч бир сўз халқ тилида шунчаки ифода топмайди. Ҳар бир сўзниг ўзига хос залвори, кўчими, тарихи мавжуд.

“Бўз” сўзи билан боғлиқ таҳлилларда ҳам ўзига хос поэтик кўчимлар, бадиий ифодалар кўзга ташланади.

Махмуд Кошғарийнинг “Девони лугат ит-турк” асарида “иңан иңраса, боту бозлар”, яъни “урғочи тия инграса, эркак тия бўзлайди (товуш беради)” мақоли берилган. Бу мақол яқинлар доим бир-бiri учун қайғурадилар деган маънода берилган. Яна, этаклік бўз – этак

қилинадиган бўз мато изоҳланади. Ёки, *аниң көзі аларді* – унинг кўзи олайди, бўзарди, бакрайди маъносида келган [Кошғарий, 1963:142-167-188].

Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қуидаги мисралар учрайди:

Йағыз йэр, шашыл көкдә эрди көшуш,

Анар бәрли тэнри ағырлық өкүш.

(Бўз ерда, яшил осмонда азиз эди,

Тангри унга беҳисоб хурмат ато қилди) [Юсуф Ҳос Ҳожиб, 1972:68-69].

Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари борасида бир қанча таърифлар берилиб, бўз ер ва яшил осмонда азиз эканликлари таъкидланади. Бу ўринда **бўз** сўзининг маъноси – яшил сўзи билан паралелликда таҳлил этилганда янги, навқирон мазмунига эгадир. Чунки кейинги яшил осмон – мусаффо осмон, кўм-кўк осмон бирикмаларига кўра – *янги, навқирон, ёши* маъноларини кўпроқ ифодалайди. Шу маънода, пайғамбарнинг келиши еру осмон учун янги ҳаёт ва мўъжизадир.

Кўриниб турибдики, қадимги ёзма манбаларда **бўз** – товуш (овоз), мато, ранг, янги ер маъноларини ифодалаш учун қўлланилган.

Алишер Навоий асарларида [Навоий асарлари лугати, 1972:140] ҳам “**бўз**” сўзининг ўзига хос ифодалари учрайди.

Тикилди ўрдуйиким, кўрмамиш кўз,

Хазу иксину атлас ончаким бўз. (Ф. Ш.)

1) бўз сўзи мато маъносида келмоқда.

Ва кўкбўз ашҳаби сипехри тездавдуур. (Л. М.)

2) кулранг мойил, оқ, кўк-оқиши тус маъносида келмоқда.

Кўк жафосидин ўлур хобгаҳинг бўз туфроқ. (Б. В.)

3) кулрангга мойил оққиши туфроқ маъносида келмоқда.

Бўзлаб ғамим айла ошкоро,

Мунграб мунгигб эт бемадоро. (Л. М.)

4) тия овози каби ҳазин овоз билан йиғламоқ маъносида келмоқда.

“Древнетюркский словарь” [Древнетюркский словарь, 1969:119] китобида “*böz*”(хлопчатобумажная ткань) – мато маъносида берилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да ҳам бўз – *мато*, бўз – *бола*, бўз – *кўкка мойил оқ ранг*, бўз – *чўл ўсимлиги*, бўз – *қаттиқ, уввос йиги* маънолари изоҳланган [Мадвалиев, 2006:397].

Биргина сўзининг бир қанча маъноларга дахлдорлиги, тилнинг бекиёс қимматини, залворини асослаб бермоқда.

Халқ оғзаки сўз санъатида “**бўз**” сўзининг халқона ифодаси барча фольклор жанрларида мавжуд десак, хато бўлмайди. Афсоналарда, достонларда, эртакларда, қўшикларда, мақолларда “**бўз**” сўзининг ўзига хос талқини учрайди.

“Алпомиш” достонида бўз от (Ақбўзат) – қаҳрамоннинг оти эканлиги таъкидланади (Олтойларда). Ўзбек фольклорида Темир қозикнинг яқинидаги Оқбўзот билан Кўкбўзот юлдузлари тўғрисида ҳам ўзига хос асотирий қараашлар мавжуд. Айтилишича, Оқбўзот ва Кўкбўзот Етти қароқчининг яқинидаги юлдузларнинг номидир. Қароқчилар туни бўйи отларни ўғирламоқчи бўлишар, аммо ҳар гал тонг отиб, уларнинг режаси амалга ошмай қолаверар экан. Темир қозоқقا боғлаб қўйилга Оқбўзот ва Кўкбўзот ҳақидаги мифик афсоналар қирғиз, қозоқ фольклорида ҳам учрайди [Жўраев, 2018:52-53]. Шу ўринда бўз сўзининг “ола” маъноси бераётганини сезиш мумкин. Яъни, профессор М.Жўраев таъкидлаганидек “ола” рангли отлар самовий, зотли отлар ҳисобланган. Достон ва

афсоналардаги бундай мифик ола отларнинг (Оқбўзот – Кўкбўзот – Ақбўзат – Ак сари ат) мавжудлиги ҳам халқнинг тотемистик қарашлари билан узвий боғлиқдир.

Фольклоршунос Комилжон Имомов эртаклардаги синов мотиви – баҳодирлик, қаҳрамонлик ҳақида фикр юритар экан, мотивнинг асосий манбаи қадимги дунёқарашиб, мифологияга бориб тақалади, деб таъкидлайди. Маълумки, қадимги мифологик ритуал-маросимлардан бири “инициация” (ўсмирни балоғат ёшидан ўтиб, эркак қаторига ўтиш даврида қатнашиши шарт бўлган диний маросим)дир. Балоғат ёшига етган бўз ўғлон – ўсмирнинг уруғ, қабила тартибини буза бошлиши доимиilikка айланган. Тартибни бузган – ўлган, маросимда иштирок этган – қайта тирилган. Маросимда фақат **бўз ўғлонлар** иштирок этган. Бу анъана, қадимги туркий уруғ, қабилаларда, хусусан, ўзбекларнинг қадимги “Кирқ уруғи” орасида узоқ сақланган. “Кирқ чилтон уюшмаси” мазкур анъана, **бўз йигитлар** ҳақидаги мифологик маросимнинг халқ оғзидан қолган, афсонавий намунаси ҳисобланади [Имомов, 2008:144]. Бўз ўғлон – яъни балоғат ёшидаги уйланмаган йигит, хомийгит, бўйигит маъноларида келмоқда.

“Бўз бола” эртагида чол-кампир фарзандга зор бўлиб, охири ўғил фарзанд кўришади. Унга Бўз бола деб исм қўйишади. Бўз бола онасидан эрта ажralиб қолади, кейинчалик угай онаси сиғдирмайди, оқибатда уйидан, отасидан айрилади, эртак сўнгида эса, ёридан айрилиб, ясовуллар томонидан ўлдирилади. Бўз болага ошиқ бўлган малика ҳам вафот этади. Бу воқеа ҳақида дарвешлар йиғлаб қўшиқ куйлашади:

Бўз боланинг гавдаси,  
Тут ёғочга осилди.  
Номард йигит қўлида,  
Боши қўйдек кесилди.  
Бўз болахон, бўз йигит,  
Сара йигит, эр йигит.  
Ҳеч жаҳонда бормиди,  
Бўз боладек бўз йигит?!

Эртакда қаҳрамоннинг исми унинг тақдири, ҳаёт йўлидаги воқеалар билан боғлиқдек. Бўз бола – ёш, навқирон, хушрой йигит эди. Воқеалар ривожида дард-алам, айрилиқ устунлик қила бошлиди, яъни – бўзлаб қолган гўдак, бўзлаб қолган ота, бўзлаб қолган малика, бўзлаб қолган дўстлар каби.

Бўз болахон, Бўз бола,  
Бўзларда битган лола.

Отанинг ноласида ҳам бўз сўзи айрилиқ, дард-аламни ифодалашга хизмат қилмоқда.

“Булбул билан тўргай” ҳақидаги қўйидаги афсонада ҳам “бўз” сўзининг бўзламоқ сўзи билан алоқадорлиги қўзга ташланади: “Тўргай билан Булбул одам зотидан бўлиб, бир-бирлари билан калин дўст, ошна-оғайни экан. Тўргай аслида сўфи экан. Бир пайтлар худога шак келтиргани учун қушга айлантирилган экан. Худойи таолло уларни қўшиқ айттириб, мусобака қилдирибди: “Кимда-ким кўп ва хўб куй ва қўшиқ айтса, эл орасида қолади, куй-қўшигини боғу роғларда айтадиган бўлади, енгилган эса чўлу биёбонга чиқиб кетиб, у ерда **бўзлаб** ўтади,” – дебди.

Шундан кейин Булбул билан Тўргай навбатма-навбат куй куйлаб, қўшиқ айта бошлишибди. Булбул минг биттага етказибди. Тўргай бўлса мингтага етказа олибди. Шунда худойи таолло:

– Булбул, сенинг маконинг шу ерда – одамлар орасида бўлсин, боғ-роғларда куйлаб юравер. Тўргай, сенинг маконинг эса чўл бўлсин, то машҳар кунигача у ерларда бўзлаб

юравергин, – дебди. Шу-шу булбул гуллар орасида, боғ-роғлар ичида ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқатдан куйласа, тўрғай чўлу биёбонларда аламидан бўзлагани бўзлаган эмиш...”.

Оғзаки ижодда бўз сўзи асосан бўзламоқ, нола қилмоқ маъносини изоҳлаб келади. Халқ қўшиқларида эса, бўз сўзининг ўзига хос кўчма маъноли ифодалари ҳам учрайди.

Кўл меҳнати билан дастгоҳларда бўз матоси тўқилган. Бўз тўкиш дастгоҳлари зах ва қоронғи ҳужраларда жойлашган бўлиб, кеча-кундуз мато тўкиш жараёнида кўплаб қўшиқлар яратилган. Булар бўзчи қўшиқлари деб юритилган. Қўшиқларда бўз тўкувчиларнинг дард-аламлари, касбнинг машаққатлари, оиласидаги муҳтожликлардан ҳасратлари куйланган.

Дўкон уйга кирсам, танам қақшайди,

Совуқларда ўлмай қолсам яхшийди.

Қариси тиллага кетса яхшийди,

Шундай менинг бўзим арzon кетарми [Имомов, 1990:153-154].

Бўз матонинг арzonлиги, бўзчининг ҳасратига ҳасрат қўшмоқда. Балки “Бўзчи бўзга ёлчимас, кулол – мўндига”, “Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи – тўқага” деган мақолларда ҳам ўз замонасида моддий бойликлар яратган ҳунармандлар ўз меҳнатлари самарасидан етарлича баҳраманд бўла олмаганликлари ифодалангандир. Бу мақоллар ҳозирда мажозий маънода қўлланилади.

Халқ қўшиқларида “бўз” сўзининг ўзига хос ифода шакллари мавжуд. Айниқса, ёр-ёрларда, лапарларда майший ҳаётда рўй берган руҳий изтиробларни акс эттиришда етакчи ўхшатмалардан бири бўлган.

Остонангни остида, отанг ётар, ёр-ёр,

Оқ бўз отни юборсанг, келмай ётар, ёр-ёр [Сафаров, 2005:109].

Ёки:

Анов товда айланиб,

Отанг ётар, ёр-ёр.

Бўз қўғирчоқ қўлида,

Келмаётир ёр-ёр.

Ёки:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Ҳай далага ёр-ёр,

Қизлар ошиқ бўлади,

Бўз болага, ёр-ёр [Ой олдида бир юлдуз, 2000:96].

Тўриқ отда қўриқ бор,

Оқ бўз отда қўйруқ бор, ёр-ёр.

Бўз уйимни бўшатиб кетган, болам,

Онасини қақшатиб, кетган, болам [Ўзбек халқ қўшиқлари, 1959:207].

Ёки:

Бўз аргумоқ чопилур,

Улоқларга, ёр-ёр.

Тилло балдоқ ярашур,

Қулоқларга ёр-ёр. [Тухлиев, 2009:16]

Ўзбекларда бўз – сўзи жуда кўп ишлатилади. Бўз йигит, бўз ер, бўз от мисолида. Бу бирималар бирор экин экилмаган, аникроғи “экин экишга яроқли, лекин узоқ вакт ишланмай, экилмай ётган ер”, йигиттга нисбатан эса оила курмаган, куч-куватдан қолмаган маъноларини беради. Улоқ эса беллашув майдонидир. Бу ерда энг довқур, энг

илдам от (арғумок)гина элнинг назарига тушади. Шундай отгина кураш майдонига тушиш учун ҳақли ва муносибдир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, янги турмуш учун ҳам ҳар қандай йигит эмас, балки сараланган, яъни бўз йигит мос ва муносибдир.

Онажон, тушимда сува тушибман,  
Олтин эгар, бўз от мина тушибман.  
Буйнимда маржоним оса тушибман,  
Олтин эгар, бўз от муродим улгай [Ўзбек халқ қўшиклари, 1959:207].

Мисраларда олтин эгар ва бўз от тушга кирганда муроддан дарак бериши куйланмоқда. Мифологияда бўз от – юлдузли, толеъли отлар ҳисобланган. Уларни тушга кириши ҳам орзу-умидга етмоқликдан дарак бермоқда. Бу ўринда сўзнинг маъно қўчимида отнинг рангига эмас, зотига ишора сезилмоқда.

Нўғой халқининг “Бўзтўргай” қўшиғида айнан қушнинг ноласи инсоннинг қайғуси билан уйғунлашиб кетади:

Бўзтўргай деган қушнинг  
Дарё бўйида ини,  
Ёғин ёғса сел олур,  
Оҳ, ёrim, оҳ....  
Йиглаб қолур отаси,  
Оҳ ёrim, оҳ....  
Сиз томоннинг қизлари,  
Оҳ, ёrim, оҳ....  
Биз томонга боқмайди,  
Оҳ, ёrim, оҳ....

Қозоқ халқининг “Бўзтўргай” қўшиғида ҳам айнан тўргайга мурожаат қилиниб, айрилиқ, дард-алам, мусибат изҳор этилади.

Бозторғай, бозторғай,  
Айналайын жыл құсым,  
Аман-есен жүрмісің.  
Құантқалы тұрмысың  
Қанатынды кердің бе,  
Қиярдардын келдің бе?  
Жетілеқпін мен неге,  
Анамды сен көрдің бе?

Кўриниб турибдики, туркий халқлар халқ оғзаки ижоди намуналарида “бўз” сўзининг поэтик ифодаси ранго ранг шаклда учраши мавжуд экан. Халқ ижодида бундай кенг қамровли сўз қўчимларининг ишлатилиши миллий бадиий ифоданинг бебаҳо қимматга эга эканлигини таъминлайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

- 1.Алавия М. Ўзбек халқ қўшиклари. – Тошкент: Давлат ўқув-педагогика, 1959. – 50 б.
- 2.Бўзлардан учган ғазал-ей. / Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева. – 2005. – Б.109

- 3.Жўраев М. Марказий осиё халқлари астромифологиясида темир қозиқ юлдузи // Сўз санъати журнали. №1 (2018). 48-55-бетлар.
- 4.Комилжон Имомов. Ўзбек халқ насли поэтикаси. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2008. 251 бет. – Б.144.
- 5.Махмуд Кошгари. Девони луғати-т-турк. (Туркий сўзлар девони). Нашрга тайёрловчи: С.М.Муталлипов.– Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1963. 1-том. 498 бет. – Б.142.
- 6.Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: Порсо Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – Б.140.
- 7.Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиклари. М. Жўраев. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2000. – 160 б.
- 8.Тўхлиев Б., Шералиев Э., X.Аликулова. Ўзбек халқ қўшиклари. Ёр-ёллар. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009, –Б.16.
- 9.Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Нашрга тайёрловчилар: К.Имомов ва бошқалар. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти. 1990, 304 бет. –Б.153-154.
- 10.Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1972. – Б. 68-69.

## КОНЕ ТҮЛҒАЛЫ КІСІ ЕСІМДЕРІНІҢ ТАРИХИ-ЭТИМЛОГИЯЛЫҚ НЕГІЗДЕРІ ЖӘНЕ ШЫҒУ УӘЖДЕРІ

### HISTORICAL-ETYMOLOGICAL BASES AND MOTIVES OF ORIGIN OF ANCIENT PERSONAL NAMES

Бекжан Эбдуәлиұлы,  
Л.Н.Гумилев атындағы Еуразия ұлттық  
университетінің профессоры,  
филология ғылымдарының докторы  
Қазақстан Республикасы Астана қаласы  
[bekzhan\\_a7@mail.ru](mailto:bekzhan_a7@mail.ru)

**Annotatsiya.** Мақалада көне түркі жазба ескерткіштерінде сақталған кісі есімдерінің этимологиясы талданып, қазіргі қазақ нұсқаларымен салыстырылады. Ежелгі антропонимдердің кейбір нұсқалары бүгінгі күнге дейін өзгеріссіз, басқалары өзгеріске ұшыраган. Олардың құрамына этимологиялық талдау жасау барысында сыртқы түрі бір-біріне ұқсамайтын, әр түрлі қолданылған адам есімдерінің шығу тегі ортақ екени анықталды.

**Кілт сөздер:** көне түркі, аба, абаму, абық, абыч, азақ, адак, кісі есімі, антропоним, этимология, шығу уәждері, тұтұқ, адым, аттаяу, аяқ.

**Abstract.** The article examines the origins of personal names found in ancient Turkic texts and compares them to their modern Kazakh counterparts. It highlights that while some names have remained unchanged over time, others have evolved. Through etymological analysis, it was discovered that seemingly unrelated names actually share a common origin.

## MUNDARIJA

### YALPI YIG'ILISH MA'RUZALARI

<b>1</b>	<b>Hamidulla Dadaboyev</b> Toshkent viloyati o‘zbek shevalari – til xususiyatlari tadqiqiga bag‘ishlangan muhim manba	<b>3</b>
<b>2</b>	<b>Salida Sharifova</b> Şota Rustavelinin “Pələng dərisi geymiş pəhləvan” əsərinin Şərq intibahına aid olması və Türk folkloru əsasında yaradılması haqqında	<b>7</b>
<b>3</b>	<b>Güntəkin Binnətova</b> Çağdaş Azərbaycan ədəbi dili və şivələrinin qarşılıqlı münasibətləri	<b>12</b>
<b>4</b>	<b>Murodqosim Abdiyev</b> Dialektal terminologiya – adabiy til lug‘at boyligini oshiruvchi manba	<b>16</b>
<b>5</b>	<b>Baxtiyor Abdushukurov</b> Kul tigin bitigotoshi va o‘zbek tili shevalari	<b>20</b>
<b>6</b>	<b>Berdak Yusufov</b> Alisher Navoiy leksikasi va o‘g‘uz shevalari	<b>26</b>
<b>7</b>	<b>Abdulhay Sobirov</b> Andijon dialektal zonası haqida ba’zi bir mulohazalar	<b>31</b>
<b>8</b>	<b>Нұрлан Мыңбаев</b> Түркі фольклоры және топан су тақырыбы	<b>35</b>
<b>9</b>	<b>Kifayət İmamquliyeva</b> Azərbaycan dialektlərində özbək dilinin elementləri	<b>44</b>
<b>10</b>	<b>Yo‘ldosh Ibragimov</b> Qoraqalpog‘istondagi o‘zbek shevalarining lingvoareal talqini	<b>48</b>
<b>11</b>	<b>Zulkumor Xolmanova</b> O‘zbek shevalaridagi frazemalarning aksiolingistik tadqiqi	<b>51</b>
<b>12</b>	<b>Botir Elov, Oqila Abdullayeva</b> Dialektal korpusni qurish va uning ahamiyati	<b>56</b>
<b>13</b>	<b>Samixon Ashirboyev, Nafisa Qilichova</b> O‘zbek shevalari matnlarining audio variantini transkripsiya qilish muammoları	<b>60</b>

### 1-SHO‘BA. SHEVALAR VA FOLKLORNING ILMIY MUAMMOLARI XORIJLIK OLIMLAR NAZDIDA

<b>1</b>	<b>Özeren Mehmet</b> Çolpan’ın “Buzulgan Ölge, Köjil, Tün, Ziyay-yi Kamer” şiirlerine semiyotik bakış	<b>63</b>
<b>2</b>	<b>Babazadə Rəxşanə</b> Azərbaycan dilinin Salyan dialektində milli leksik arxaizmlər	<b>67</b>
<b>3</b>	<b>Ерсайын Молдасанов, Нуржан Абдувалитов</b> Ұлттық бағыт және қазақ жазуы	<b>75</b>
<b>4</b>	<b>Qüdsiyyə Qəmbərova</b> Azərbaycan şivələrindəki bəzi feillərin özbək dili ilə ortaql paralelləri	<b>84</b>
<b>5</b>	<b>Yarmuxammat Madaliyev, Hulkar Aliqulova</b> Xalq qo‘sıqlarida “bo‘z” so‘zining ma’no ko‘chish bilan bog‘liq jihatları	<b>87</b>